

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА МАМЛАКАТЛАР ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ

Нурматов Ҳасанбой Мирзахмедович

катта ўқитувчи,

Қабулова Сарвиноз Рустам қизи

бакалавриат талабаси, Тошкент давлат транспорт университети

Аннотация Мақолада Марказий Осиё мамлакатларида бўлиши мумкин бўлган табиий ҳодисалар, уларнинг оқибатлари, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун ҳамкорликда илгор технологиялар ва муҳандислик-техник воситаларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, фавқулодда вазиятлар мониторингини олиб бориш ва уларни прогнозлаштириш тизимларини яратиш ва ривожлантириш марказий осие мамлакатларининг асосий вазифалари ҳисобланиши ва долзарблиги келтирилган.

Калит сўзлар: табиий ва техноген офатлар, zilzila, тошқин, кўчки, сел, қор кўчкиси, қурғоқчилик, экстремал ҳарорат, геофизика, гидрометеорология, сейсмология

Марказий Осиё мамлакатлари ўз тарихи давомида бир неча бор иқтисодий зарар келтирувчи ва инсонлар ҳаётида ҳалокатли табиий офатлардан азият чеккан. Бу минтақада табиий ва техноген таҳдидларнинг деярли барча турлари мавжуд, жумладан zilzila, тошқин, кўчки, сел, қор кўчкиси, қурғоқчилик ва экстремал ҳарорат. Буларнинг ичида zilzila энг хавфли таҳдид бўлиб, аҳолининг ўлимига, инфратузилманинг вайрон бўлишига ва шу билан бирга иккиламчи оқибатлари бўлмиш кўчки, сел ва қор кўчкилари каби ҳодисаларга олиб келади. Марказий Осиё фаол тектоник деформациялар мажмуаси билан ажралиб туради. Тегишли сейсмик фаоллик zilzila хавфи даражасини назорат қилади, бу иккиламчи ва

учинчи даражали таъсирларнинг намоён бўлиши туфайли турли ер силжишлари хавфи билан бевосита боғлиқ (кўчкилар ва табиий тўғонларнинг бузилиши). Зилзила тоғли ҳудудларда бўлиш эҳтимоли юқори. Ушбу тоғли ҳудудда содир бўлган зилзиланинг иккиламчи омиллари бўлмиш - кўчки, сел, ёнғин каби ҳалокатли оқибатлари инсонлар ўлимининг асосий сабабчисига айлангани борасида кўплаб ишончли далиллар мавжуд. Қозоғистон (Олмаота 1887, 1889 ва 1911), Қирғизистон (Жалолобод 1992), Тожикистонда (Хаит 1949, Ҳисор 1989),) ва Туркменистон (1948) шулар жумласидандир [1]. Аввал содир бўлган зилзилалар бизга бундай офатларга тайёр бўлмаган мамлакатларда қандай ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини эслатди. Бундай вазиятнинг олдини олиш учун минтақа мамлакатларининг сейсмик тайёргарлигининг ҳозирги даражасини баҳолаш ва хавфларни бошқариш ёндашувларидаги камчиликларни аниқлаш керак.

Кейинги пайтларда иқлим ўзгариши натижасида гидрометеорологик таҳдидлар билан боғлиқ офатлар сони кўпайиб бормоқда. Иқлим жиҳатдан бу минтақа кучли ёмғир контрастлари билан ажралиб туради, шунинг учун турли хил иқлим ва ўсимлик зоналари мавжуд.

Минтақанинг тоғли ва тоғолди ҳудудларида сел юзага келиши ҳодисалари кенг тарқалган [2]. Бу ҳудудларда сел оқимлари, кўпинча трансчегаравий бўлиб, кўшни давлатлар-Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудларида шаклланади. Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёда кўчкилар, сел ва сел оқимлари ҳар йили кўплаб йўқотишларга сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон ҳудудида сел оқимлари фаоллигини ва уларнинг макон-вақт бўйича ўзгарувчанлигини намоён бўлиш жараёнларини кўп йиллик кузатувлари натижаларига кўра (ЎзГМИТИ, Ўзгидромет) хулоса қилиш мумкинки, республика бўйича, умумий олганда, фаол селли сув оқимлари сони 709 тага тенг бўлиб, уларнинг бассейни(ҳудуди) майдони 53770 квадрат километр (умумий майдонни 12%) ни ташкил қилади ва 858 та халқ хўжалиги ва бошқа муҳим

объектлар сел хавфи мавжуд ҳудудларда жойлашган [6]. Мамлакат ҳудудида сел оқимларини юзага келиш частотаси бир хил эмас, тоғ ва тоғолди ҳудудларида селларни юзага келиш частотаси ниҳоятда катта ва уларни ушбу ҳудудлардаги турли объектларга, шу жумладан, транспорт инфраструктурасини ўта муҳим объектларига хавф солиш эҳтимоли сезиларли даражада юқоридир.

Минтақа мамлакатлари, шунингдек, эпидемияларга (масалан, бактериал инфекциялар туфайли) ва техноген офатларга, шу жумладан гидроиншоотлар бузилиши ва хавfli моддаларнинг атроф муҳитни захарлашига мойил. Ушбу офатлар кўпинча миллий чегаралардан ўтиб кетади ва айрим мамлакатлар фақат ўз ресурсларидан фойдаланган ҳолда уларнинг оқибатларини енгишга қодир эмаслар. Минтақадаги аксарият мамлакатларнинг офатдан кейинги ҳолатни бартараф этиш салоҳияти чекланган. Бундан ташқари, табиий офатларга ва келтирган бузилишларни бартараф этишга тайёргарликлари, уларни олдини олиш даражаси ҳар бир мамлакатда фарқ қилади ва минтақавий ҳамкорлик етарли эмас. Марказий Осиёнинг аксарият давлатларининг тарихан бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган заифлиги ва нисбатан кичиклиги туфайли ушбу мамлакатлар ўртасида аҳолини муҳофаза қилиш, табиий офатларга тайёргарлик кўриш ва олдини олиш соҳасида ҳамкорлик қилиш зарурати иқтисодий самарадорлик ва мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридан келиб чиқади. Географик жиҳатдан минтақа жуда хилма-хилдир. Бир нечта баланд тоғли тизимлар, бепоён чўллар ва ўсимликлар билан қопланган бепоён даштлар мавжуд. Минтақада Амударё ва Сирдарё каби йирик Дарё тизимлари ва Каспий ва Орол денгизлари ва Сарез кўллари каби йирик сув ҳавзалари мавжуд. Минтақадаги ҳарорат фарқи ҳам жуда катта. Турли хил хавф-хатарларнинг бундай комбинациясининг мавжудлиги Дунё мамлакатлари ўртасида келишилган ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича 2015 йилдаги 3-Бутунжаҳон конференциясида тасдиқланган табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича Sendai асослари талабларига мувофиқ кўп факторли хавфни баҳолашни қўллашни

талаб қилади. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун ҳамкорликда илғор технологиялар ва муҳандислик-техник воситаларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, фавқулодда вазиятлар мониторингини олиб бориш ва уларни прогнозлаштириш тизимларини яратиш ва ривожлантириш марказий осие мамлакатларининг асосий вазифалари ҳисобланади. Мазкур вазифалар бевосита темир йўл транспортига ва темир йўллар инфраструктурасига ҳам тегишли бўлиб, транспорт тизимидаги фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, оқибатини юмшатиш бўйича илғор технологиялар ва муҳандислик-техник воситаларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, фавқулодда вазиятлар мониторингини олиб бориш ва уларни прогнозлаш тизимларини яратиш ва ривожлантириш ўта муҳим ва долзарб муаммолар ҳисобланади [3]. Ривожланган хорижий давлатлар ва мамлакатимизда олиб борилган кўп йиллик илмий тадқиқотлар натижалари таҳлиliga кўра, халқаро ташкилотларнинг, аввалом бор ЮНДРО ва ЮНЕСКОнинг саъй-ҳаракатлари туфайли, бугунги кунда, ҳар қандай тусга эга табиий офатлар: zilzilalar, tўфонлар, сув тошқинлари, вулқон отилиши ва бошқалар билан курашишни ҳамда салбий оқибатларини юмшатишни умумий тамойиллари ишлаб чиқилди [4,5]. Бу тамойиллардан (принциплардан) Марказий осие мамлакатлари ҳам табиий офатлардан келадиган зарарни камайтириш усуллари ишлаб чиқиш учун кенг фойдаланишлари зарур. Минтақада геофизика, гидрометеорология, сейсмология ва сейсмик қурилиш соҳасида илмий тадқиқотларни фаол ривожлантириш зарур. Zilzila ва бошқа табиий ҳамда техноген офатлар чегара танламайди, бугунги кунда ҳеч бир мамлакат янги технологиялар ва тажриба алмашмасдан кенг кўламли илмий тадқиқотларни тўлиқ ўзлаштира олмайди. Шу боис, бутун дунёда муҳим илмий ва амалий муаммоларни ҳал қилиш учун турли мамлакатлар олимларини умумий илмий лойиҳаларга бирлаштириш фаол амалга оширилмоқда

Фойдаланиган адабиётлар

1. Инициатива по управлению риском бедствий в Центральной Азии и на Кавказе (ЦАК ИУРБ) Сводный отчет об оценке риска бедствий в странах Центральной Азии и Кавказа (ЦАК)
2. Дергачева, И. Проблемы прогнозирования и предупреждения трансграничных паводков в горных и предгорных районах Узбекистана [Электронный ресурс] / И. Дергачева.- НИГМИ, Узгидромет.-Режим доступа: <http://skachate.ru/geografiya/148685/index.html>.-Дата доступа: 01.07.2017.
3. «2015-2030 йилларда офатлар хавфини камайтириш бўйича Сендай хадли дастури»ни Ўзбекистон Республикасида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида // ЎРР ВМ 2019 йил 12 апрель, 299-сон қарори.
4. Earthquakes and Volcanic Eruptions: A Handbook on Risk Assessment. Herbert Tiedemann. Swiss Re, Zurich, 1992.-951p.
5. Megacities: reducing vulnerability to natural disasters. Thomas Telford Publ., London, 1995.-170p.
6. С.С. Сулаймонов, Ш.Х. Абдазимов, Х.М. Нурматов **Ўзбекистон республикаси фавқулодда вазиятлар вазирлиги академияси «Хаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашда инновацион ёндашув, илмий ишланмалар ва замонавий технологиялар» мавзусидаги III республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами, 2021 й.**